

Хизмат кўрсатиш, ишлар (шу жумладан жорий таъмирлаш) бажариш бўйича № 25- сонли ШАРТНОМА

2022 йил « 16 » Ноябрь

Дангара тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "QQQON SISTEM SERVIS" МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари С.Дехқонов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Фуркат туман Тиббиёт бирлашма** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари в/б: **О.Сайдахмедов** ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида куйидаги турдаги ишлар(хизматлар)ни бажариб беради:

Т.р	Хизмат турлари	Ўл/бир	Мик-дори	Нархи	Сумма
1	Тиббиёт бирлашмага қарашли барча муассасалардаги ут-учиргичларни қайта тулдириш хизмати.	дона	60	38000,00	2280000,00
	Жами:				2280000,00

- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий суммаси: **2280000 сум** (Икки миллион икки юз саксон минг) сўмни ташкил қилади.
 1.3. Бажариладиган ишлар(хизматлар)ни хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
 1.4. Ишлар (хизматлар)ни бажариш муддати йил давомида.

2. Ҳисоб-китоб шартлари

- 2.1. Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китоб ишни бажаришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиқиб белгиланган нархларда, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланишуви учун бажарилиши лозим бўлган ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни сметаси, калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун белгиланган нархлар юқори даражада топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорда туловни амалга оширади, ҳамда тулик ҳисоб-китобни иш бажарилиб қабул қилиниб олингандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатта тузилганда 30% миқдордаги олдиндан тўлов, тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

- 3.1 «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида кўзда тутилган ҳажмларда ва муддатида сифатли, техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради, бажарилган иш (хизматлар) учун сифатини тасдиқловчи хужжат тақдим этади ва тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
 3.2 «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бажариб берилди. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
 3.3 «Буюртмачи» бажарилган ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган ишлар (хизматлар) учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар қўланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган ишлар(хизматлар)нинг, шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар (хизматлар) муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар)нинг 0.5% миқдорда ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га пеня (жарима) тўлайди, бироқ жарима суммаси муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар) суммасининг 50% ошмаслиги лозим.
 4.3 Агар «Буюртмачи» қабул қилинган ишлар (хизматлар) учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорда «Иш бажарувчи» га пеня тўланади, бироқ бунда пеня (жарима) суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ошмаслиги лозим.
 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
- 4.5 Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.
- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, снґин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга қўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли ҳулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайтиши еки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

- 7.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.
- 7.2. «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3. Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- Шартнома ва унга ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли газначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари:

«Иш бажарувчи»
 «QOQON SISTEM SERVIS» МЧЖ
 мол етказиб берувчининг номи

«Буюртмачи»
 Фурқат туман Тиббиёт бирлашмаси
 (бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дангара тумани Намуна-143 уй

Манзил: Фурқат тумани: Навбахор шаҳарчаси

Тел./факс: 99 030 90 29

Тел./факс: 73-549-16-03

Ҳ.в. 2020 8000 1006 0131 8001

ш/х: 400322860302387073101054002

Банк номи: INVEST FINANSE BANK ATB

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200201685_

Кукон булими.

МФО: 01116

ОКЭД 91511

ОКЭД:

Газначилик бўлинимаси номи: Фурқат тумани бўйича
 Газначилик бўлинимаси

ИНН: 303859240

Рахбар: С.Дехқонов

ЯҒХ: 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент

МФО: 00014

Газначилик бўлинимаси СТИРи: 201122919

Рахбар _____ О.Сайдахмедов



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.

Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.

**ODILJON SAYDAXMEDOV
NABIYEVICH**

Imzolangan sana

17.11.2022 11:42

Hujjat kodi

VY1787671230

Hulosa kodi

XQ5803154378

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

XQ5803154378

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **maxsulot etkazib berish xamda xizmat kursatish**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Furqat tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Furqat tumani yuridik
markazi
markaz rahbari:



N.Q.UZAQOV

17.11.2022

3339



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QO'QON SYSTEM SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektdining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QO'QON SYSTEM SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.03.2016

550

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303859240

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, Sohil, ARZIKTEPA QISHLOG'I,

Guvohnoma:

**Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI**

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



«ТАСДИҚЛАНГАН»
«QO'QON SISTEM SERVIS»
Масъулияти чекланган жамияти
таъсисчиларининг 2020-йил
сентябрдаги 2-сон қарорига асосан

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI
FARG'ONA VILOYAT
BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN
DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
10.09.2020. № 550



«QO'QON SISTEM SERVIS»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади) Дастлаб 18.03.2016 й куни № 550 сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатидан ўтказилган. Ўзбекистон Республикасининг Фарғона вилояти Данғара туманида фаолият кўрсатаётган «QO'QON SISTEM SERVIS» МЧЖ (СТИР 303859240) нинг устави Жамият таъсисчиларнинг 10.09.2020 й куни №2-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Жамиятнинг ягона таъсисчиси:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқароси **Мамаджанов Мавлонжон Максуджон ўғли**, паспорт маълумоти (MAMADJANOV MAVLONJON MAKSUDJON O'G'LI, AA 2180062 17.07.2013 йилда Фарғона вилояти Кўкон шаҳар ИИБ томонидан берилган. Яшаш манзили: Фарғона вилояти Кўкон шаҳар Сарикҳамиш кўчаси 116 уй. Туғилган вақти 27.10.1994 йил (СТИР- 515486536)

1.3. Масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунига ва бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

Давлат тилида — «QO'QON SISTEM SERVIS» Масъулияти чекланган жамияти, қисқача номланиши — ««QO'QON SISTEM SERVIS» МЧЖ;

Рус тилида — общество с ограниченной ответственностью ««QO'QON SISTEM SERVIS», краткое наименование — ООО ««QO'QON SISTEM SERVIS»;

1.5. Жамиятнинг жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Данғара тумани Арзиктепа МФЙ Арзиктепа қишлоғи Намуна кўчаси 143-уй.

1.6. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ.

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

2.2. Жамият ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ва таъсис ҳужжатларига асосан амалга оширади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Таъсисчилар Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Жамият ҳам Таъсисчиларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи билан штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз эмблемасига, товар белгисига эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинган алоҳида иш-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар ва бошқа алоҳида бўлималар тузишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва илмий-технологияларини тадбиқ қилиш, ички бозорни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, шунингдек турли хил тижорат хизматларини кўрсатиш, иштаракда таъсисчилар манфаатлари учун фойда олиш.

➤ Жамият фаолиятининг предмети бўлиб Ёнғинга қарши ускуналарни таъмирлаш, **тайёрлаш, ўрнатиш ва сотиш фаолияти** ҳисобланади.

шу жумладан;

➤ Савдо ва ёнғинга қарши ускуналарни, бошқа ишлаб чиқаришга оид ускуналарни таъмирлаш, алоқа ускуналари, транспорт воситаларини (қонунда қайд этилганлардан ташқари) ва бошқаларни таъмирлаш, ўрнатиш, тайёрлаш ва сотиш;

➤ Хар хил турдаги ёғоч қисмларга қиёмий иштарак билан ишлаш бериш.

- Барча турдаги кукунли ўт ўрнатиларини таъмирлаш ва тўлдириш;
- Ёнғин ўчириш анжомларини кимёвий сувоқликлар билан қайта тўлдириш ва техник синовлардан ўтказиш;
- Ўт ўчириш анжомларини таъмирлаш, таъмирлаш ва ўрнатиш;
- Ўрнатилган ускуналарни ишга тушириш ва сойтиш;
- Ташкилот, корхона ва муассасаларнинг бино иншоот (жумладан қозонхона, мўри конлари) ларини қуриш ва уларни техник кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш, шу жумладан қозонхона, мўри конлари, ўтин, газ ва кўмир орқали иситиладиган барча агрегатларни тутин йўлини тозалаш, кинг ва куз мавсуми учун кўриқдан ўтказиш, созлаш ва уларга барча турдаги хизматларни кўрсатиш;
- Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник кимёят кўрсатиш;
- Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Умумий овқатланиш шерабчаларини ресторин, бир, кафе, ва бошқаларни ташкил этиш;
- Салкин алкохолсиз ва алкохолли ичимликлар, шербатлар, концентратлар (маҳсус рухсатномадан сўнг) ишлаб чиқариш, экспорт-импорт қилиш ва сотиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун минерал ўғитлар билан улгуржи ва чакана савдо қилиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун кимёвий дорилар ва биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда улгуржи ва чакана савдо қилиш;
- Аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш;
- Маиший техникалар, электр жихозлари (товарлари) олиб келиш, сотиш ҳамда уларни таъмирлаш;
- Барча турдаги маиший техникаларни улгуржи ва чакана сотиш;
- Саноат молларини ишлаб чиқариш ва олиб келиб сотиш;
- Жисмоний ва юридик шахсларга савдо-сотик, воситачилик ва комисион хизматлар кўрсатиш;
- Парфюмерия маҳсулотлари билан савдо қилиш;
- Аҳолига маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш;
- Жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги транспорт воситалари ёрдамида юк ва йўловчи ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- Автокемпинглар ва автошоҳбекатлар ташкил этиш;
- Аҳоли ва корхоналарга буюртмалар бўйича шаҳар ичи, шаҳарлараро, туманлараро йўналишлар бўйича юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари;
- Авто, мото ва велоэктиёт қисмларини олиб келиш ва сотиш;
- Умумий қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишларини амалга ошириш;
- Барча турдаги қурилиш ишларини амалга ошириш, қурилиш-таъмирлаш (квартираларни таъмирлаш), граверовка, қурилишнинг лойиҳалаш ишларини амалга ошириш;
- Сув иншоатларини қуриш, таъмирлаш ва бошқа шунга ухшаш ишларни бажариш
- Барча турдаги транспорт воситалари ва уларнинг эктиёт қисмлари билан улгуржи ва чакана савдо қилиш;
- Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга барча турдаги техник хизматлар кўрсатиш;
- Автошоҳбекатлар (автостанциялар) ташкил этиш; Авто йўналиш линиялари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга транспорт хизматини кўрсатиш;
- Барча турдаги автотранспорт воситаларини кунлик ва йиллик техник кўриқлардан ўтказиш постларини ташкил этиш (пуллик хизматлар кўрсатиш орқали);
- Барча автотранспорт воситаларини бошқариш учун ўқув курсларни ташкил этиш ва хайдовчилик гувоҳномаларни бериш (пуллик хизматлар кўрсатиш орқали)
- Лак-бўёқ эритувчи этилацетат, бутилицетат, метилицетон, дибутилфталат ва бошқа эритувчи маҳсулотлари, шпатлёвка, Авто шпатлёвка, автокрас, автоэмаль, отвердителилар, лакларва бўёқлар, мотор майлар, антифризлар, савунлар, полиетилеин

- ва резинадан тайёрлашдан кўра кўп идишлар ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш, чакана ва улгуржи сотиш;
- Барча турдаги сантехника ишларини бажариш;
- Сантехника жихозларини олиб келиш ва сотиш;
- Курилиш моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Барча турдаги курилиш материалларини ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотиш;
- Нефт маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш;
- АЁҚШ ва АГҚШ шалобчаларини ташкил этиш;
- Барча турдаги транспорт воситаларига сиконга ва сукултирилган газ баллонларини ўрнатиш ва техник кўриқдан ўтказиш;
- Биржа ва аукционларда катнашиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш;
- Дизенфекция қилувчи ва ювиш воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда маиший химоя маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Бугдой ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан ун, гурунч, ёғ ишлаб чиқариш ва тегирмонларни ташкил этиш;
- Ун, нон ва нон маҳсулотлари, кондитер ва кандолатчилик ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Музқаймоқ ва салқинлантирувчи ичимликлар ишлаб чиқариш, минерал сувларни кадоқлаш ва сотиш;
- Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Ўсимлик ёғлари билан савдо қилиш;
- Дорихоналар ташкил этиш ва ўзлари тайёрлаган ва сотиб олинган дори-дармон ҳамда тиббий анжомлар билан улгуржи ва чакана савдо қилиш; Провизорлик хизматлари;
- Пластмасса, алюмин, темир-металл, ёғоч ва профиллардан эшиклар, деразалар, мебеллар, жалюзалар ва бошқа турдаги конструкциялар ишлаб чиқариш ва улгуржи ҳамда чакана сотиш;
- Ўрмон маҳсулотларини, ёғочни қайта ишлаш ва дурадгорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёғоч-тахта савдосини ташкил этиш;
- Тикувчилик, тўқимачилик, нотўқимачилик, трикотаж ва пайпок маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Тўқимачилик ва трикотаж саноати учун йнгирилган ип, хом ва тайёр ип газламалар, техник газламаларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Барча турдаги тикувчилик маҳсулотлари, ярим тайёр ва тикувчилик учун хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Терини қайта ишлаш; Тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Полимер, целофан, пластмасса, полипропилен ва полиэтилен маҳсулотлари, қувур ва листлар ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Орттехника буюмларини таъмирлаш ва этиёт қисмларини келтириб сотиш;
- Дехқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик фаолияти билан шугулланиш;
- Балиқни боқиш, овлаш, қайта ишлаш, балиқни дудлаш, консервациялаш, балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;
- Иссиқхонада турли сабзавотлар етиштириш;
- Чорвачилик, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, кадоқлаш ва сотиш;
- Паррандачилик, гўшт ва тухум маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш;
- Асаларичилик фаолиятини амалга ошириш
- Хужалик ва канцелария маҳсулотлари савдоси;
- Экспорт ва импорт операцияларини бажариш
- Амалдаги қонунчилик асосида боғхона бромарлик хизматини, воситачилик, декларлик ва лизинг фаолиятини ташкил этиш;
- Менежмент ва маркетинг хизматларини амалга ошириш;
- Боғхона юкларини декларациялаш ва оғбир хизматини амалга ошириш;
- Реклама ва дизайнерлик хизматларини ташкил этиш;
- Суғурта агентлиги хизматини ташкил этиш;

- Иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чикиндиларини йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш;
- Ижара хизматини амалга ошириш;
- Кўчмас мулк асбоб-ускуналарини ижарага бериш хизматларини ташкил этиш;
- Авиакассалар ташкил этиш;
- Чет эллардан ишлаб чиқариш технологиялари олиб келиш ва сотиш;
- Ўзбекистонда ва Хорижда қўшма корхоналар, шубба корхона ва бошқа тижорат корхоналари ташкил этиш;

Асосий фаолият турларидан ташқари жамият «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилмаган ва қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишига ҳақлидир.

4.2. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли махсус рухсатнома (лицензия) олинганидан кейингина амалга оширилади.

V. ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият таъсисчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани таксимлашда ва унинг тегишли қисмини олишда иштирок этиш;
- Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча таъсисчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- Жамият бошқа таъсисчиларининг розилигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамият таъсисчилари таркибидан чиқиш;
- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;
- жами улушлари Жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият таъсисчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган таъсисчини Жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар;
- Жамият Таъсисчилари Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. Жамият Таъсисчиларининг мажбуриятлари:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қондаларга амал қилишлари;
 - Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса кўшишлари;
 - Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.
- Жамият таъсисчиларига Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкни фойдаланади.

6.2. Жамиятнинг мол-мулки ва маблағлари Таъсисчиларга уларнинг устав фондидаги улашларига мутаносиб равишда тегишли бўлади.

6.3. Жамиятнинг мол-мулки:

- Таъсисчиларнинг улушларидан;
- Жамият фаолияти натижасида олинган фойдалан;

- фукароларнинг, шунингдек муассасалар, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг ихтиёрий улушлари ва ажратиларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва бадалларидан;
- қайтариб олинмайдиган ёрдам ва хайрия бадалларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун Таъсисчилар томонидан **6 000 000 (олти миллион) сўм** миқдорда устав фонди шакллантирилди.

Устав фондидаги улушлар

- **Мамаджанов Мавлонжон Максуджон ўғли** улуши — **6 000 000 (олти миллион) сўм, яъни 100%**

7.3. Устав фондини жамият қайта ташкил этилганда тўлиқ шакллантириши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

7.4. Жамиятнинг устав фондидаги Таъсисчиларнинг улушлари пул, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк, интеллектуал мулк ва х.к.лар билан киритилиши мумкин.

7.5. Жамият Таъсисчилар Умумий йиғилишининг қарорига асосан Устав фондини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

7.6. Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Таъсисчилар томонидан ўз улушлари тўлиқ киритилганидан кейингина қабул қилиниши мумкин. Устав фондини кўпайтириш Таъсисчилар томонидан қўшимча улушлар киритиш ва/ёки Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини соф фойда ҳисобидан кўпайтириш тўғрисидаги қарор фақатгина бундай қарор қабул қилинган йилдаги Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида қабул қилиниши мумкин.

7.7. Жамиятнинг устав фондини камайтириш Таъсисчиларга тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

7.8. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун Устав ва Таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

VIII. ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИ САФИДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

8.1. Жамиятнинг ҳар қандай Таъсисчиси Жамият Таъсисчилари сафидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда Таъсисчи устав фондидаги ўз улушини қолган Таъсисчиларга, ёхуд уларнинг розилиги бўйича учинчи шахсларга сотиш ёки уларнинг фойдасига воз кечиш ҳуқуқига эга.

8.2. Таъсисчи Таъсисчилар сафидан чиқошида унга ўзи томонидан устав фондига киритилган улушнинг ҳақиқий қиймати натуро ёки ҳақиқий қийматига тенг бўлган пул кўринишида ҳолида қайтарилади.

¹ 8.3. Жамият Таъсисчиси ўзгартирилганидан кейин Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

8.4. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

IX. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИ УЛУШИ (УЛУШНИ ҚИСМИ)НИНГ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

9.1. Жамият Таъсисчиларидан ҳар бери Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушининг қисмини учинчи шаклларга сотишга ёки бошқача шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли.

9.2. Жамият Таъсисчисининг улуши тўлиқ тўланган давргача бўлган муддатда тўланган қисми бўйичагина бегоналаштирилиши мумкин.

9.3. Жамият устав фондидаги улушдан воз кечиш куйидаги шаклда амалга оширилиши мумкин:

– юридик шахснинг аризаси фирма бланкасида тўлдирилади ва муҳр билан тасдиқланади (чет эл юридик шахсининг аризаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотариал тасдиқланиши ёки легализация қилиниши лозим).

9.4. Мазкур Устав билан назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

X. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият куйидаги ҳужжатларни сақлашга мажбур:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек таъсис ҳужжатларига киритилган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;
- Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг устав фондига пул кўринишида бўлмаган улушларни пулда баҳолашни тасдиқлаш тўғрисидаги Жамият Таъсисчилари (Таъсисчилари)нинг умумий йиғилиши баённомаларини, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни;
- Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;
- Жамиятнинг балансида бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни;
- Жамият Таъсисчиларининг Умумий йиғилиши, Жамиятнинг ижро этувчи органи баённомаларини;
- мустақил аудиторлик ташкилотлари ҳулосаларини;
- конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни.

10.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар ижро этувчи орган жойлашган жойда сақланади.

10.3. Агарда амалдаги конун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, Жамият мазкур Уставнинг 10.1. бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимо сақлайди.

10.4. Жамият ҳар қандай Таъсисчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

XI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

11.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

11.2. Корхона мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

11.3. Жамиятнинг моддий-техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддик активлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Жамиятнинг барча маблағлари тўлиқ унинг тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб кўйилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият мустақил равишда Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ва штат жадвалини ишлаб чиқади, ходимларнинг билимлари ва кўникмалари даражасини белгилайди, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги масалаларни Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқ ҳал қилади.

11.5. Белгиланган муддатларда олинган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларни статистика, молия ва солиқ органларига топширади.

XII. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

12.1. Жамият барча мажбурий тўловлар ва солиқларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар Жамиятнинг даромадини ташкил этади.

12.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадан барча солиқлар ва тўловлар, шу жумладан давлат сугурта жамғармаси, пенсия жамғармасига тўловлар, ижара тўлови ва ҳ.к. тўланади.

12.3. Жамият ҳар бир бажариладиган лойиҳанинг тасдиқланган бюджетига мувофиқ бажарувчининг сарф-харажатларини қоплайди. Жамият ҳар бир бажариладиган лойиҳанинг тасдиқланган бюджетига мувофиқ бажарувчилар билан ишларни бажариш тўғрисида контрактлар тузади. Жамият томонидан контрактлар бўйича тўловлар тасдиқланган ишларни бажариш режа-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

12.4. Жамият устав фондининг 15% миқдорига захира фонди шакллантириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди унинг зиёнларини қоплаш, облигациялар қийматини қайтариш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг қисмини) сотиб олиш учун мўлжалланган.

12.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тартибда нақд пулда ва нақд бўлмаган қийматда ўз хизматларини кўрсатади ва маҳсулотини сотади.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

13.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб:

- Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши - олий бошқарув органи;
- Директор ёки коллегиял бошқарув органи (дирекция) жамиятнинг ижро этувчи органи бўлиши мумкин.

13.2. Жамиятда кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини белгиланган тартибда ташкил этиши мумкин.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

14.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб Жамият Таъсисчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Таъсисчилар Умумий йиғилишда устав фондидаги ўз улушларига мутаносиб равишда овозлар сонига эгадирлар.

14.3. Таъсисчилар умумий йиғилишининг Раиси ва котиби Умумий йиғилиш томонидан сайланади.

14.4. Жамият Таъсисчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

– Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- а) Жамиятнинг уставини тасдиқлаш;
- б) устав фондининг миқдорини белгилаш ва ўзгартириш;
- в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- г) ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

е) Жамиятнинг соф фойдасини Жамият Таъсисчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ж) жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

з) Жамият томонидан облигацияларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

и) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

к) бошқа юридик шахсларни, ваколетчилар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.

Кўрсатиб ўтилган масалалар, шунингдек Жамиятнинг уставини билан белгиланган бошқа масалалар бўйича қарорлар Таъсисчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. А, б, в, е,

к, л бандларда кўрсатиб ўтилган вазифалар бўйича қарорлар Жамиятнинг барча Таъсисчилари томонидан қабул қилинади.

XV. ИКРО ЭТУВЧИ ОРГАН

15.1. Жамиятнинг икро этувчи органи бўлиб Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи Директор ҳисобланади.

15.2. Жамиятнинг Директорини Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан тайинланади ва худди шундай тартибда лавозимидан озод қилинади.

15.3. Жамият ва Жамиятнинг Директори ўртасидаги шартнома, Жамият номидан, Директор тайинланган Жамият Таъсисчиларининг Умумий йиғилишида раислик қилувчи ёки Жамият Таъсисчиларининг Умумий йиғилиши томонидан ваколат берилган Жамият таъсисчиси томонидан имзоланади.

15.4. Директор лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Директор билан тузилган меҳнат шартномасини Директорни тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилган Жамият Таъсисчиларининг Умумий йиғилиши раиси имзолайди.

15.5. Директор лавозимидан Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори билан лавозимидан озод қилиниши мумкин.

15.6. Жамиятнинг Директори:

– Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, унинг манфаатларини Ўзбекистон Республикаси давлат органларида ва бошқа давлатлар органларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ифода қилади ва, шунингдек битимлар тузади;

– жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоблар очади;

– Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ва штат жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

– Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайдди;

– Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

– Таъсисчилар қарорлари тузиш ва бажаришни ташкиллаштиради ва уларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

– Жамият бўйича ҳисоботлар тақдим этилишини ташкиллаштиради;

– Таъсисчилар томонидан унга юклатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

15.7. Директор Таъсисчилар Умумий йиғилишига ҳисобот беради ва унинг олдида Жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

15.8. Директор Жамият мол-мулкани тасарруф этиши ва Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича йирик битимлар тузиши мумкин.

XVI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ

16.1. Жамиятда алоҳида назорат қилувчи органнинг тузилиши кўзда тутилмаган.

16.2. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат Таъсисчилар ёхуд мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

XVII. ХОДИМЛАР

17.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини имзолайди. Ушбу шартноманинг мазмуни, шу жумладан «Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Низом» Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, шунингдек Жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

17.2. Жамият ходимлари — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш вақти ва дем олиш тартиби, уларнинг ижтимоий, пенсия таъминоти ва ижтимоий сугуртаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинади. Ушбу нормалар Жамиятнинг чет эллик ходимларига ҳам таъбиқ этилади, ҳар бир чет эллик ходим билан

алоҳида тузиладиган шартнома (контракт) ва қиллинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат таътиллари бериш, пенсия таъминоти масалаларини бундан мустасно.

XVIII. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

18.1. Жамиятнинг тижорат сирини дейилганида тарқатилиши (бериш, узатиш) унинг манфаатларига зарар етказувчи, Жамиятни бошқариш, режалаштириш, молиялаштириш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган услубий эълорат, маълумотлар тушунилади.

18.2. Ҳар бир ходим Жамиятнинг моллиғий ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай, шу жумладан тасодифан олинган маълумотнинг тарқалиб кетмаслик чораларини кўриши ва бундай ахборотнинг тарқатилишидан оголлангани шарт.

18.3. Тижорат сирини тарқатилган ҳолда Директор ахборотнинг тарқалишидан оголлангани учун барча чораларни кўради ҳамда айбдор шахсга нисбатан уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни қўллайд.

XIX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49—56-моддаларида ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49—55-моддаларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

19.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади.

19.3. Жамиятни тугатиш Таъсисчиларнинг Умумий йиғилиши қарори ёки Хўжалик судининг қарори асосида амалга оширилади.

19.4. Жамиятни давлат рўйхатига олган томонидан ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб тугатиш тугалланган, Жамият эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

XX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

20.1. Таъсис шартномаси ва Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар Таъсисчиларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, Таъсис шартномаси ва Уставга асосан ҳал қилинади.

20.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Мазкур Устав Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

21.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

«QO'QON SISTEM SERVIS» МЧЖ таъсисчиси:



Мамалжанов Мавлонжон Максуджон ўғли



Мамалжанов Мавлонжон

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171170 на приобретение огнетушителей кайта тулдириш

Способ проведения электронный

Дата 03.11.2022

Время рассмотрения 03.11.2022 08:13

Закупочная комиссия Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAMAIONOVA YOQUTXON A'ZAMOVNA	Бош хисобчи уринбосари	Фуркат ТТБ
Секретарь комиссии	SHAMSIDINOV RUSTAMBEK SADRIDDINOVICH	хисобчи	Фуркат
Член комиссии	MAMATQULOV SHUXRAT TURG'UNOVICH	Иктисодчи	Фуркат ТБ
Член комиссии	PULATOV OMONJON OLIMOVICH	Хужалик мудир	Фуркат Тиббиёт
Член комиссии	YAQUBJONOV XASANJON ABDUSATTAROVICH	Фельдшер	Фуркат Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	QO'LDASHEV ULUG'BEK RAXMONOVICH	омборчи	Фуркат

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.11.2022 года № лота 171170.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по перезарядке огнетушителей
Подробное описание	сифатли иш бажариш
Количество товара	60.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	60 000.00
Стартовая сумма	3 600 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Низом ва гувоҳнома булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом ва гувоҳнома булиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA STROY USHKO'PRIK MЧЖ	15	маълумот мавжуд илова қилинди	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QO'QON SISTEM SERVIS MЧЖ	15	15	15	Экспертная		

Критерий №2 хизмат сифатли бажариш кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA STROY UCHKO'PRIK MЧЖ	20	маълумот мавжуд илова қилинди	15	Экспертная		
QO'QON SISTEM SERVIS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		

Критерий №3 мавжуд асосий воситари буйича маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: мавжуд асосий воситари буйича маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA STROY UCHKO'PRIK MЧЖ	20	маълумот мавжуд илова қилинди	15	Экспертная		
QO'QON SISTEM SERVIS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
QO'QON SISTEM SERVIS MЧЖ	3 600 000.00	2 280 000.00 UZS	2 280 000.00	00.00	2 280 000.00	02.11.2022 16:04:40	30
MEGA STROY UCHKO'PRIK MЧЖ	3 600 000.00	3 500 400.00 UZS	3 500 400.00	00.00	3 500 400.00	29.10.2022 16:51:00	19.54062

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
QO'QON SISTEM SERVIS	57.2726	30	87.2726

МЧЖ			
MEGA STROY УШКО'ПРИК МЧЖ	57.2726	19.54062	76.81322

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171170 от 03.11.2022 года на приобретение огнетушителей кайта тулдириш определила победителем:

QO'QON SISTEM SERVIS МЧЖ
303859240

и резервный исполнитель: MEGA STROY УШКО'ПРИК МЧЖ (309766994)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAMAJONOVA YOQUTXON A'ZAMOVNA	Согласен	
Член комиссии	MAMATQULOV SHUXRAT TURG'UNOVICH	Согласен	
Член комиссии	PULATOV OMONJON OLIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	YAQUBJONOV XASANJON ABDUSATTAROVICH	Согласен	
Член комиссии	QO'LDASHEV ULUG'BEK RAXMONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП